


Завқий (1853-1921)



Завқий — XIX аср иккинчи ярими ва XX асрнинг биринчи чорагида яшаб ижод этган йирик ижодкорлардан биридир. Завқий тахаллуси билан шуҳрат қозонган Убайдулло Қўқон шаҳрида Уста Солиҳ махсидўз оиласида туғилди. Ёшлигиданоқ Уста Солиҳ унинг тарбиясига жиддий аҳамият беради, моддий қийинчиликларга қарамай аввал маҳаллий мактабда, сўнг Мадрасаи Олий ва Мадрасаи Чалпакда ўқитади.

Мадраса таълими ва шахсий тинимсиз мутолаа Убайдулло истеъдодини камол топишига, форс ва араб тилларини эгаллашига, Шарқ адабиётининг буюк намояндадари ижодий меросларини чукур ўрганишига мустаҳкам замин бўлади. Мадрасада ўқиб юрган даврида биринчи шеърий машқларини ёзган Завқий тез орада Қўқон адабий мұхитининг Муқимий, Муҳими, Фурқат каби илғор шоирлари даврасига келиб қўшилди, улар билан мустаҳкам ижодий ҳамкорлик ўрнатди.

Завқий то умрининг охирига қадар махсидўзлик хунарини ташламади. Аввалига мадраса ҳужраларидан бирида, кейинчалик бозор растасида очган кичик дўконида косибчилик билан ота-онасига қарашибди, ўз оиласини тебратди. Бу хунар айни замонда Завқийнинг меҳнаткаш халқ билан доимо ҳамнафас яшаб, оддий кишиларнинг турмуш шароити ва орзу-интилишларидан бевосита хабардор бўлишида жуда қўл келган.

Завқий XIX асрнинг 70—80-йилларидаёқ ҳалқчил шоир сифатида узил-кесил шаклланиб, давр адабий ҳаётида қўринарли ўрин эгаллади, шеърият мухлислари орасида шуҳрат топди. Ўз ижодий фаолиятини ишқий ғазал, муҳаммаслар ёзишдан бошлаган Завқий тез орада ижтимоий мавзуларда, даврнинг долзарб муаммоларига диққатини қаратди, меҳнаткаш халқ ҳаётидан, шаҳар ва қишлоқнинг эзилган табақаси турмушидан лавҳаларни бадиий таҳлил этишга киришибди. Мустамлака воқелигига ва ижтимоий ҳаётдаги салбий ҳодисаларга танқидий баҳо-ёндошув, шахслар фаолияти ва табиатидаги ярамаслик, пасткашлиқ, нопоклик, фирибгарлик каби белгиларига ҳажвий муносабат шоир асарларининг етакчи ғоявий мазмуну даражасига кўтарилди. Давр миллий адабиётимизда Муқимий боз бўлган ҳажвий йўналишнинг кенг тараққий топишида кўплаб ҳажвий асарлар ёзган Завқийнинг хизматлари жуда катта бўлди.

Шоирнинг ижтимоий мавзудаги ва ҳажвий руҳдаги қатор асарларида чор мустамлакасига айлантирилган ўлка ҳаётининг энг долзарб муаммолари, жумладан, мавжуд жамиятдаги инсоний ҳақ-хуқуқ ва моддий бойликларга эгалик жиҳатидан кескин табақаланиш мавжудлиги ҳамда унинг нақд оқибатлари ҳақида жиддий мулоҳазалар, қатъий хуносалар баён этиладики, бундай асарлар давр адабиётимизда янгилик бўлди.

«Замона кимники?» деб юритилувчи мухаммасида Завқий илғор ижтимоий-сиёсий қарашларини бадиий юксак мисраларда ниҳоятда таъсирчан ва кескин баён этади. Чор мустамлакаси маъмурияти ва маҳаллий зўровонлар ҳукмрон бўлган мавжуд тузумда шоирнинг қатъий фикрича:

...Давлату иззу шарафлар марди бодунёнику!
...Бу замона гарч кавуши кийган силлиқ саллоники!
...Давру даврон ҳама жойда ҳокиму мирзоники!

Худди шу мухаммасда шоир «Хоҳ косиб, хоҳ дехқон қайға борса бағри қон!», «Бекасу бечора сўзига киши бермас жавоб. Шу сабабдан беваю бечоралар бағри кабоб!» дея жамиятдаги эзилган табақанинг аянчли ҳаётини ҳаққоний тасвиrlайди.

Мустамлака этилган жамиятдаги ҳукмрон адолатсизликни ҳаққоний тасвиrlаш мавзуси Завқийнинг яна бир қатор шеърларида ҳам («Каждор замона», «Ажаб замона», «Абдураҳмон шайтон» ва бошқа) худди шундай халқчил руҳда таҳлил этилган.

Завқийнинг «Мунча кўп» радифли ҳамда «Ажаб замонадур, аҳбоб, бош қотиб қодди» мисраси билан бошланувчи мухаммаслари XIX аср бошлари шеъриятимиздаги энг ўткир ижтимоий асарлар жумласига киради.

Замонасидаги адолатсизлик, ҳуқуқсизлик, машаққатли ҳаёт халқчил шоир қалбини ларзага солади, хусусан меҳнат аҳлининг чексиз азоб-уқубатга, кулфат-хорликка маҳкум этилганлигидан қатъий норозилик тиғдай ўткир мисралардан ўқувчи онгига кўчади, унда ҳам ўша тузумга нисбатан нафрат, ўша ночор оммага нисбатан ачиниш ва хайриҳоҳлик туйғуларини шакллантиради.

Таъкидлаш лозимки, «Мунча кўп!» радифли мухаммасида савол оҳангидан кўра қатъий тасдиқ, хитоб оҳангидан устивор:

*Золим фалак бисотида озор мунча кўп!
Инсон шарафли номида хор мунча кўп!
Ҳар кўчаларда қашишоқ ила зор мунча кўп!
Тархи жаҳон биносида бадкор мунча кўп!
Ҳўқанд аро балога гирифтор мунча кўп!*

Завқий ижодий меросида қишлоқлар ҳолати, дехқон аҳли ҳаёти мавзуи ҳам катта ўрин тутади. Бу асло бежиз эмас. Гап шундаки, Завқий Фарғона водийси бўйлаб якка ўзи, баъзан эса Муқимиy билан ҳамроҳлиқца бир неча бор саёҳатлар уюштиради. Бундай сафарлар қишлоқнинг аҳволи, дехқон аҳли-турмуши билан, уларнинг оғир меҳнатлари ва ночор кун кечиришлари билан яқиндан танишиш имкониятини берган. Бу таассуротлар эса Завқийнинг қатор асарларида ўзининг бадиий ифодасини топган.

Бу туркумда «қишу ёз, кечаю кундуз меҳнатда куйиб ишлаётган», «ғамли куюқ кулчасини ҳам умрида тўйиб емаган», «кориқ, ранги сариқ, қорни очлиқдан шишган» дехқонларнинг аянчли турмушлари уларга тўла хайриҳоҳлик, ҳамдардлик руҳида кучли ачиниш билан тасвиrlанган. «Янгиқўрғон қишлоғи», «Сув жанжали», «Шоҳимардон саёҳати» шеърлари шу туркумга киради.

1898 йилда уюштирилган ана шундай саёҳати чоғида Завқий Андижон қўзғолонини бостириш баҳонасида чор маъмуриятининг бутун ҳалқ бошига балолар келтириб, аёвсиз жазо чораларини кўрганига, қанчадан-қанча қишиларни дорга осиб, таъқиб-тазиқни кучайтирганига, кўплаб қишлоқларни тўпга тутиб ер билан яксон қилганига жонли гувоҳ бўлди. Худди шу таассуротнинг бадиий меваси сифатида «Эшон» радифли шеър майдонга келди.

Шоир бу ҳалқ қўзғолонининг асл моҳиятини, унинг асосий мақсадини тўғри тушуна олмади. Самимий куюнч билан «Қанча одам ўлдилар, кўп ҳалқ бўлдилар асир!» деб ёзган Завқийни биринчи галда мустамлака маъмурияти кўрган жазо тадбирлари оқибатида оддий ҳалқ аҳволининг янада оғир бўлганлиги, қишлоқ-شاҳарларнинг эса хонавайрон этилгани («Хонавайрон бўлди бир минг манзилу маъво!») ларзага солади. Таассуфки, Завқий буларнинг ҳаммасига ҳалқ қўзғолонининг раҳбарини айбдор деб билади.

Шу муносабат билан Завқий таржимаи ҳоли ва ижодининг ҳали тўла ўрганилмаган саҳифалари ҳам оз эмаслигини айтиб ўтиш ўринли. Катта ижод йўлини босиб ўтган шоирнинг адабий мероси афсуски, то ҳануз тўла аниқланиб тўпланмаган. Унинг ўз асарларини девон ҳолига келтиргани тўғрисида оғзаки маълумотлар учрайди, аммо бу девон илмга маълум эмас. Жиддий ижтимоий-сиёсий воқеалар силсиласи юз берган

мураккаб даврда яшаб ижод этган шоирнинг дунёқарашида ва унга тўла мувофиқ ҳолда ижодий меросида эса зиддиятли ўринлар оз эмас.

1900 йил аввалида Завқий ҳаж сафарига отланган тоғаси Мұхаммад Сиддиққа ҳамроҳ бўлиб қатор мамлакатларни босиб, Макка ва Мадинани зиёрат қиласи. Унинг таассуроти «Хужжожи Макка аҳлига чуну чаро деманг» мисраси билан бошланувчи шеърида ўз бадиий ифодасини топган. Завқийнинг асримиз бошларида яратган ижтимоий йўналишдаги асарлари жумласидан «Воқеаи қози сайлов» деб номланган ҳажман каттагина маснавийси алоҳида диққатга сазовор. Халқчил шоир мустамлака маъмуриятининг қаттиқ назорати остида ўтказиладиган қалбаки «сайлов»ларнинг пуч моҳиятини, ундаги порахўрлик ва ҳйила-найрангларни, шунингдек, (сайланувчи) шахсларнинг жирканч башараларини, ифлос қилмишларини ўқувчи қўзи олдида ишонарли фош этади.

*Қаҳатлик бўлди бу Фарғонамизда,
Топилмас парча нон вайронамизда —*

байти билан бошланувчи маснавийда эса биринчи жаҳон урушининг мустамлакалардаги оғир ҳаётнинг янада аянчли бир ҳолга келгани, очлик ва вабо касалининг меҳнаткаш омма бошига янги-янги кулфатлар соглани ҳаққоний бўёқларда тасвирланган. Бу асар халқ ҳаракатлари каби ижтимоий-сиёсий мавзунинг тўла халқчил руҳда ёритиш бобида Завқий катта ютуқларга эришганини исботловчи ҳужжатдир. Шоир дунёқарашидаги бундай ғояларнинг қатъий шаклланишида асримиз бошларида миллий озодлик ғояларини, илм-маърифат тарғиботини байроқ қилиб кўтарган жадидчилик ҳаракатининг таъсири бекиёсdir. Жадидчилик ғояларини тўла қабул қилган шоир ўз амалий-ижтимоий фаолияти билан ҳам илм-маърифатни, янги усуддаги мактаб-маорифни тарғиб қилди, фан-техникани эгаллашга, замона билан ҳамқадам бўлишига даъват этди. Бу жиҳатдан шоирнинг «Фурсат ғанимат, аҳбоб, миллатга кўз очайлик» мисраси билан бошланувчи мухаммаси алоҳида диққатга сазовор.

1916 йилда ёзилган деб тахмин этилган «Ажаб эрмас» радифли мухаммас, фақат Завқий ижодида эмас, балки XX аср бошларидағи бутун ўзбек ижтимоий-сиёсий шеъриятида катта ҳодиса бўлди. Бунда шоир мустамлака асорати остида эзилаёттан она юртнинг кулфатли кунлари унут бўлиши ҳақида сўз очади, оғир иқтисодий ҳаёт кечираётган халқнинг баҳтили тақдирни ҳақида, бўлажак катта ижтимоий ўзгаришлар хусусида башорат қиласи.

Ўтиб бир қарн ақроним жаҳон обод кўргайсиз!

Жаҳон аҳлини золим зулмидан озод кўргайсиз!

Гирифтори алам эрмас — ҳаммани шод кўргайсиз!

Убайдулло Завқий адабиётимиз тарихидан фақат ижтимоий-сиёсий ва ҳажвий шеърлар муаллифи сифатидагина эмас, балки, айни замонда, истеъододли юморист ва нозикдид лирик ижодкор сифатида ҳам ўрин олган. Унинг турмуш икир-чикирлари, кундалик ҳаётда учровчи носозликлар ва кишилар табиатидаги салбий одатлар устидан беғараз кулги, енгил масхара қўзғовчи, илиқ табассум ва ширин ҳазил билан қоришиқ «Таърифи калиш», «Отим», «Фонус», «Сигириим», «Пашшалар» каби юморлари ўқувчиларда яхши кайфият, қувноқлик уйғотади, айни замонда зийракликка ундейди.

Завқий яратган ишқий ғазал ва мухаммасларнинг кўпчилиги эса ўша даврдаёқ ҳофизлар ижросида халқ қўшиқлари қаторида катта шуҳрат тутган. Ҳусусан, «Юзунгни кўрсатиб аввал ўзингга бандалар қилдинг», «Ер келур замона йўқ, келмаса-келмасин, нетай?», «Кулбам аро, эй маҳлиқо, бир йўл хиром айлаб келинг» мисралари билан бошланувчи асарлари ҳаёт шавқи ва гўзалликларидан баҳрамандликка ундейди, севги-садоқатни улуғлайди, инсоний ҳис-туйғуларни, нозик кечинмаларни ниҳоятда таъсирчан тарзда равшан ифодалайди.

Абдурашид Абдуғафуро

Завқий (1853-1921)

Завқий (таяхаллуси; асл исм-шарифи Убайдулло Солих ўғли) (1853 — Қўқон — 1921) — ўзбек шоири. Қўқондаги «Мадрасаси олий» ва «Мадрасаси чалпак»да таҳсил олган (1870—74). Махсидўзлик билан шуғулланган. Маълум муддат миззалик қилган, Хўжанд, Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Ўш, Андижон, Марғилон шаҳарларида бўлган. Тоғаси

Мұхаммад Сиддиқ билан Мадинани зиёрат қилған (1900). 1903 йил Құқонга қайтган. Завқий мұмтоз ўзбек адабиеті анъаналарини давом эттирган, Құқон адабий мұхитининг Мұқимиң, Фурқат, Нодим, Рожий каби намояндалари билан ижодий ҳамкорлик қилған.

Завқийнинг ғазал, мұхаммас, мувашшахлари («Айлаб келинг», «Радифи Завқий» ва бошқа)да ўзи яшаган мұхит ва түзум, мәхнат ахлиниң ахволи тасвирланған. Ү турмуш алам-изтироблари, ҳижрон азобига висол умиди, вафодорлик, садоқат түйғуларини қарама-қарши құяды («Юзингни күрсатиб аввал», «Бодаи васлинг» ва бошқа), кишиларни турмуш гүзапліктеридан завқланишга, уни севишга чорлайды. Завқийнинг бир қанча шеърлари («Каждор замона», «Ажаб замона», «Абдурахмон шайтон» ва бошқа)да мұстамлака тузумидаги ижтимои тенгисизлик, адолатсизлик, чор маъмурияти ҳимоясида бўлған айрим нопок амалдорларнинг кирдикорлари фош этилади. Завқийнинг «Мунча кўп» радифли ҳамда «Ажаб замондур, ахбоб, бош қотиб қолди» мисраси билан бошланувчи мұхаммаслари 19-аср бошлари шеъриятидаги энг ўтқир ижтимои асарлари жумласига киради. Завқий ижодий меросида ўзбек қишлоқларининг ахволи, дәхқонлар ҳаёти мавзуи ҳам катта ўрин тутади («Янги Қўрғон қишлоғи», «Сув жанжали», «Шоҳимардан саёҳати» ва бошқа). Бу асарлар Мұқимиңнинг «Саёҳатнома»си таъсирида ёзилған. Завқий Мұқимиңнинг ҳажвчилик йўлини давом эттириб, ўзбек адабиетида ҳажвий йўналиш тараққиётига катта ҳисса қўшди («Обид мингбоши ҳақида ҳажв» ва бошқа). Завқийнинг «Воқеаи қози сайлов» (1909—10), «Қаҳатчилик» (1916) каби асарларида ижтимои адолатсизлик фош этилади, ҳалқнинг зулмга қарши намойишлари акс эттирилди. «Ажаб эрмас» радифли мұхаммаси 20-аср бошлари ўзбек шеъриятида мұхим ҳодиса бўлди. Бунда шоир мұстамлака асоратида эзилаётган юртнинг баҳтли келажаги ҳақида фикр юритди. Ижтимои ҳаётдаги айрим носозликлар, кишилар фаолиятидаги салбий ҳоллар устидан бир қатор шеърлари («Таърифи калиш», «Отим», «Фонус», «Сигирим», «Пашшалар» ва бошқа)да заҳарханда билан кулади.

Шоирнинг ишқий ғазал ва мұхаммаслари ўша даврларданоқ ҳалқ ҳофизлари томонидан куйга солиниб, ижро этилған («Ёр келур замона йўқ, келмаса-келмасун нетай?!», «Кулбам аро, эй маҳлиқо, бир йўл хиром айлаб келинг» ва бошқа). Завқийнинг шеърлари турли баёз, мажмуа, вақтли матбуот ҳамда оғзаки манбалар орқали бизгача етиб келган. Құқон шаҳридаги бир маҳалла, қишлоқ, мактаб ва кўчага Завқий номи берилған.

Абдурашид Абдуғафуров

ШОҲИМАРДОН ХОТИРАСИ

Бу равзага кимки келиб,
Бир кечаси меҳмон экан.
Умрида бир кўрган киши
Ўлганда беармон экан.

Икки тарафдин сой денг,
Кўм-кўк мусаффо чой денг,
Ҳар дам ичиб ҳой-ҳой денг,
Оби ҳаёти жон экан.

Осмонга қўйган нардбон,
Чиқсанг тамошо бир жаҳон.
Наҳри улуғ, ҳар сўй равон,
Кўрмакка кўз ҳайрон экан.

Келдик етиб мохи ражоб,
Ҳар ким кўрар айлар ажаб,
На порс кўрган, на араб,
Бир жаннати ризвон экан.

Болода танг-танг кўчалар,
Турғайки, шайху хўжалар,
Келса товуқ ҳам жўжалар,
Ёзмоқда дастурхон экан.

Бад шаклу бал хў, бадиамо,
Ботинда кийна, фисқ риё,
Ким учраса шилқим гадо
Суллоҳ озори жон экан.

Саҳни ажойиб хуш ҳаво,
Ҳам руҳларвар, жон физо,
Хушбў қўрингай ҳар гиёҳ,
Жамбил билан райҳон экан.

Қабиклари бўйнин чўзиб,
Юз совт ила нағма тузиб,
Булбул наволар кўргузиб,
Тўтиси хуш илҳон экан.

Бўлса керак бул тоғлар,
Кам-кам чиройли боғлар,

Хеч кимса күрмас доғлар,
Күнгли аро қолган экан.

Завқый келиб күп турмади,
Тұрса рағылар қўймади,
Оё насиба бўлмади,
Эҳроми учқўрғон экан.

НАСИҲАТ

Жаҳонда камсухан ким бўлди, асрори ниҳон бўлди,
Кимики сўзлади кўп, билки расвойи жаҳон бўлди.

Назокат ортурай десанг, мисоли ғунча хомуш бўл,
Надинким оғзини то очди гул, барги хазон бўлди.

Чаманда аргувондек сурат оро бўлмағинг хуб йўқ,
Пишарда мевасиз шармандадур, сирри аён бўлди.

Дема машхур бўлмоқ яхши, буғдой данаси пинҳон,
Дарахти қилди жавлон, сарғайиб охир самон бўлди.

Биродар, ол мени(нг) пандимни, ўз қадрингни синдирма,
Киши уз иззатини билмади, охир ёмон бўлди.

Агар иззат талабсан камнамолиғ орзусин қил,
Қаю ажнос бисёр ўлса суди йўқ, зиён бўлди.

Садафлар кўп оғиз очмак билан кўкси бўлур холи,
Ки баъзиси лабин кам во қилиб дурри ягон бўлди.

Эй Завқий, хаста оғзинг кам очиб, ибрат кўзинг очғил
Ажабким қўл яқода юргудек турфа замон бўлди.

ЮЗИНГНИ КУРСАТИБ

Юзингни кўрсатиб аввал ўзунга бандалар қилдинг,
Яна кўнглум олиб юз ноз бирла хандалар қилдинг,
Жамолинг партавин солиб, ажойиб жилвалар қилдинг,
Масиҳдек бир боқишда мурда жисмим зиндалар қилдинг
«Сенга мен то қиёмат ошно», деб ваъдалар қилдинг.

Қани менга вафои аҳд қилғонинг, гули ғунча,
Қани булбул сифат олдингда турғоним очилғунча,
Қани бизларға ҳамсуҳбат рақиблардек тонг отқунча,
Сани дарди фироқинг айтиб-айтиб йиглай ўлгунча,
На деб эй меҳри йўқ, мен хаста қулға ғамзалар қилдинг.

Деб эрдинг: кеча-кундуз мен сени ёринг бўлурман деб,
Тикандек суҳбатингда бир гули норинг бўлурман деб,
Жафони сенга оз айлаб, вафодоринг бўлурман деб,
Умидим кўп эди, ёлғиз харидоринг бўлурман деб,
Ажабким халқ ичинда булҳавас деб шиквалар қилдинг.

Манга мардумлар айди: берма кўнгул бевафо ёра,
Сени овора айлар, аҳди ёлғонлар, ситамкора,
Вафоси йўқ, ишонма сўзига, шўхи жафокора,
Дедимким, носиҳо инъом кўпдур ошиқи зора,
Нетай, эй бемурувват, охири шармондалар қилдинг.

Тариқи ошнолиқни бузуб номеҳрибон бўлдинг,
Мени жононим эрдинг, эмди кимга жонажон бўлдинг,
Неча кун менга улфатлик қилиб ороми жон бўлдинг,

Күзимни мардумида неча соат меҳмон бўлдинг,
Қаландардек танимфа ғам ҳаририн жандалар қилдинг.

Кима айтиб, кима йиғлай бу золим ёр жафосини,
Ҳақиқат қилмаса маъшуқ деган ошиқ хатосини,
Ҳамиша фурқатин тортсам, рақиб кўрса вафосини,
Қаю Лайли сифат мундоғ қилур Мажнун гадосини,
Юзингни бир кўрай десам қўлингни пардалар қилдинг.

Агар билсам эди бегона бўлмоқ ихтиёрингни,
Бошимға солмас эрдим беҳуда савдойи корингни,
Ҳама айтур нечук қилдинг, ўшал мастона ёрингни,
Кўнгулда гинаси бор, арз қил аҳволи зорингни,
Солиб бўйнумга ҳажринг занжирин бадкардалар қилдинг.

Юрагим раҳна бўлди, бас қил истиғони, жононим,
Фироқинг торта-торта ёшлигимда кетти дармоним,
Аразингни қўюб, лутф айласанг ҳеч йўқтур армоним,
Кўзим нури танимни қувватисан, эй дил оромим,
На хўб бир неча кун Завқий қулингга шевалар қилдинг.

МЕН КИМГА ДЕЙ

Дилдаги розимни, эй боди сабо, мен кимга дей,
Сен кўнгул сиррига маҳрам ошно, мен кимга дей,
Чекканимни зулму, бедоду, жафо, мен кимга дей,
Ҳасратим кўп, бир париға мубтало мен кимга дей,
Ишқида куйган юрак бағрим адо мен кимга дей.

Қайда зикри шаҳд этай, ширин мақолимни демай,
Гулни(нг) васфи йўқ керак, рухсори олимни демай
Сарвлар фикри керакмас навниҳолимни демай,
Хусн мулкин шоҳи бўлса арзи ҳолимни демай,
Термулиб йўлидаги ётган гадо, мен кимга дей.

Андалиби боғ ўлуб илҳон чекардин тинмадим,
Гоҳ-гоҳи нолай пинҳон чекардин тинмадим,
Савти гулбонги садо нолон чекардин тинмадим,
Гул юзингни шавқида афғон чекардин тинмадим,
Бу чаманда булбули дастонсаромен, кимга дей.

Қўрқмаган кимдурки ошиқларни оҳи сардидин,
Бестун тогидаги Фарҳоди ғам парваридин,
Бу жунун сахросида Мажнуни олам гардидин,
Ақл носиҳ, ишқ бебок — иккисини(нг) дардидин,
Айта олмай ҳеч кимга бу можаро, мен кимга дей.

Соқиё, садқанг бўлай, бир нўш тутғил Завқийға,
Йўқ, ғалат дерман шароби хуш тутғил Завқийға,
Риндлар ичра майи мадҳуш тутғил Завқийға,
Гарчи икроҳи табиат гўш тутғил Завқийға.
Сенга демай арзиҳолим, дилрабо, мен кимга дей.

НЕТАЙ

Ёр келур замона йўқ, келмаса-келмасун нетай,
Сарф этарға хазона йўқ, келмаса-келмасун нетай.

Маскани кўз ичра десам, мардум аро калон экан
Таклиф этарға хона йўқ, келмаса-келмасун нетай.

Эски бузук ҳаробада чуғздек айладим ватан
Бир тузук ошёна йўқ, келмаса-келмасун нетай.

Манъ этарга келмагин, кўп эмиш истихоралар,
Мундин ўтар баҳона йўқ, келмаса-келмасун нетай.

Таъна занонлар ўқлари кўксимиизи ҳадаф қилур,
Келмагидин нишона йўқ, келмаса-келмасун нетай.

Журъаи жоми васлидин бермаса-бермасун менга
Базми майи муғона йўқ, келмаса-келмасун нетай.

Кундузи партав афканим бўлмаса шамъи анжуман
Ваъдаси бир шабона йўқ, келмаса-келмасун нетай.

Жону кўнгулни(нг) торини, соз чекарга шунчаким,
Мутриби хуш тарона йўқ, келмаса-келмасун нетай.

Кўзни тикиб қудумига токай ўлурман интизор,
Илмаса кўзга кулбами, келмаса-келмасун нетай.

Ишқ элини(нг) додига солмаса юрту эл қулоқ
Одили бир замона йўқ, келмаса-келмасун нетай.

Ул кўзи ваҳшимиз буён бўлмаса ром не ажаб,
Завқийда дому дона йўқ, келмаса-келмасун нетай.

МУНЧА КЎП

Золим фалак бисотида озор мунча кўп,
Инсон шарафли номи била хор мунча кўп,
Ҳар кўчаларда қашшоқ ила зор мунча кўп,
Тарҳи жаҳон биносида бадкор мунча кўп,
Хўқанд аро балога гирифтор мунча кўп.

Ҳамрозу дўст топилсаю жонлар фидосидур,
Орзу шуким: камина кўнгил муддаосидур,
Хуш суҳбати мажруҳ дилим давосидур,
Мақдами кўзума айни шифо хоки посидур,
Йўқ андоғ анисим, дунёда ағёр мунча кўп.

Нодон севар замона, дод илкидин нетай,
Бошим олиб фифон ила ё бир томон кетай,
Ушбу диёри масхарани эмди тарқ этай,
Тинмай шикоят ила ёмонга рақам битай,
Жумла фалокат аҳлиға ғамхор мунча кўп.

Дориламон бўлди ажаб фоҳишаҳоналар,
Тўлмасми касофатдин охири паймоналар,
Доно кўруб бу кулфат ўтида ёналар,
Қолсин фисқу фужури бошидин ордоналар,
Қарғишга нишон беномусы беор мунча кўп.

Илму ҳунарлар ўрниға пулдор тўнг бўйин,
Уч-тўрти йигилиб қилишур ит каби ўйин,
Эҳсон ғарибға йўқ, шоҳона қилур тўйин,
Айтса адo бўлмас, сира минбаъд феълу хўйин,
Ғусса дилим шарҳ айласам асрор мунча кўп.

Қишлоқ эли шафтоли қоқи, нон тополмагай,
Кийган либосини тортса (белини) ёполнмагай,
Ўлди совуқда кўпи оч, ўтун ёқолмагай,

Күрдики бу машаққати ҳаргиз йўқолмагай,
Қиши чилласида ёзга умидвор мунча кўп.

Ким ташна ер учун, кимида икки-уч ҳарам,
Бирори беватану бирорда боғи эрам,
Бирорни(нг) сўзи зулфиқор, бирорни(нг) қадди хам
Ғаддор фалак, доим ишинг бўлди бешу кам,
Каждор замона, доголи маккор мунча кўп!

Бирор сийму зар ила ўлимдин омон бўлур
Етиб муродға бири ҳакими замон бўлур,
Ақча учун киши роҳизан ёмон бўлур,
Бечора косиб аҳлиға, билгил, зиён бўлур,
Ноҳақ қон тўкарга босмачи хунхор мунча кўп.

Дерлар бирор улуғу бирини(нг) паст тақдери
Бири тўку бири оч, балоларни(нг) собири,
Инсон шарафли номида эмасми ҳар бири?
Ёхуд она туққанида бўлганми бир сири,
Ёлғон эътиқод ила бидъат шиор мунча кўп.

Завқий, ким айди, мунча шикояти дароз қил,
Сўзни муҳтасар айлаб, иборатни оз қил
Ким зимистон кўнгилларни баҳору ёз қил,
Қад рост туруб, сўз била элни сарафroz қил,
Аитмай десанг, муносиби ашъор мунча кўп.

КАЖДОР, ЭЙ ЗАМОНА

Ғаддор фалак ситам нишона
Каждор, мариҳ, эй замона!

Яхши ҳама даҳр аро нигунсор,
Ҳар ерда ривождур ёмона.

Ҳеч камбағал ўлмагай қариндош,
Бойларни бирор демас бегона.

Пул бўлса кифоя, майли душман,
Бепул қарамайди дўст жона.

Зоғу зағани юрибди озод,
Булбулга қафас берур замона.

Инсон шарафилла қадрсиздур,
Ҳайвон жасадила мардумона...

Сардорлар ўлди бехирадлар
Ақл аҳли юраги тўлди қона.

Эй тез забону мардум озор,
Қил фикр, не иш эрур чаёна?

Эл таънида шикваи замондин
Завқий ишинг ўлди бу фасона.